*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч — адолатда

2021 йил
24 декабрь,
жума
№ 52-53 (878)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## Коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўрни ва роли

**Бугунги кунга келиб, коррупцияга қарши кураш нафақат давлат, балки умумжаҳон миқёсида глобал тус олди. Шу боис ҳар бир давлат коррупцияга қарши курашиш борасида ўзининг миллий тизимини такомиллаштириб бормоқда. Шу билан бирга, ушбу таҳдидга қарши курашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол бўлишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Зеро, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган стратегиялар, чора-тадбирлар, халқаро алоқалар жамият ва давлат ривожи учун ғоятда манфаатли ҳисобланади.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашдаги ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Бу ишларни самарали амалга ошириш учун фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторининг бошқа вакилларини ҳам жалб қилиш зарур саналади. Бунда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани ҳам эътиборга молик.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда фаоллик, жонбозлик кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамиятнинг тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Янги Тараққиёт стратегияси"да таъкидлаб ўтганидек, "фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш эътибор марказида бўлиб турибди".

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистонда "Жамият — ислоҳотлар ташаббускори" тамойили асосида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам фаол иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилинишидан аввалги жамоатчилик муҳокамалари, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш тизимининг жорий этилиши, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратининг такомиллашаётгани, раҳбарлар ва фуқаролар ўртасида мулоқот тизимининг жорий этилгани, долзарб масалаларни ижобий ҳал қилиш мақсадида тузилган турли ишчи гуруҳларида давлат ташкилотлари вакиллари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларининг ҳам иштирок этаётгани фикримиз исботидир.

Шу ўринда эътироф этиш керакки, коррупциянинг ҳар қандай турига қарши курашишда давлат фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда иш юритиши мақсадга мувофиқ. Бунинг бир қанча афзал томонлари бўлиб, у муайян кўриниш ва механизмларда ўз аксини топган. Хусусан, соҳада олиб борилаётган давлат сиёсатини мониторинг қилиб боришда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳам ўрни ва роли бор. Зеро, мониторинг юритиш орқали масъул раҳбарларда жавобгарлик ҳиссининг ошишига, уларнинг омма олдида мунтазам ҳисобот бериб боришига эришилади. Бу эса, ўз навбатида, давлат органларининг халққа ҳисоб бериб бориш тизимининг такомиллашишига, шунингдек, аҳолининг фикрини доимий эшитиб бориш орқали коррупцияга қарши курашиш борасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши курашдаги ислоҳотлар мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мустақил равишда ёки тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда олиб бориши ҳам мумкин. Зеро, мазкур икки механизмнинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари ҳам бор.

Мустақил равишда олиб бориладиган мониторингдаги ижобий хусусиятнинг ўзига хослиги шундаки, бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзининг мониторинг олиб бориш режаси ҳамда стратегиясини ҳеч ким билан келишмаган ҳолда, мустақил равишда ишлаб чиқиш имконига эга.

Муҳими, бунда уларнинг ўзгалар олдида мустақил ҳаракат қила олиш имкониятини кўрсата билиш эҳтимоли ҳам ортади. Қолаверса, мониторингни мустақил равишда амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини тегишли давлат органлари томонидан манипуляция қилиниши эҳтимоли камаяди.

Шу билан бир қаторда, мониторинг натижалари ва хулосаларидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиши, иш жараёнини эса натижаларга мувофиқлаштириб боришда эркин бўлади. Бу, ўз навбатида, коррупцияга қарши курашишда кўпроқ пинҳона мониторингларни ўтказиш имкониятини пайдо қилади.

Тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган мониторингдаги ижобий хусусиятнинг афзал томони шундаки, бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни қўлга кирита биладилар. Таъкидлаш жоизки, мустақил равишда мониторинг олиб бориш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фақатгина очиқ маълумотлар билан чекланиб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Давлат органлари билан ҳамкорлик давомида, барча учун ҳам очиқланмайдиган маълумотлар базасидан фойдаланиш имкони пайдо бўлади, давлат органларидан қўшимча маълумотларни талаб қилиш эҳтимоли ҳам ортади. Бу мониторинг асосидаги хулосалар ва таклифларнинг яна ҳам аниқроқ ва асослироқ бўлишига хизмат қилади.

(Давоми 5-бетда) ▶

## Хорижий валютада қарз беришнинг янги механизми ишлаб чиқилди

*Адлия вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.*

Қонунда фуқаролар ўртасида чет эл валютасида қарз беришни нотариал тасдиқлаш орқали амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, чет эл валютасида қарз бериш ва қайтариб олиш бўйича шартнома тузишга рухсат этилмаган ва бу фуқаролар томонидан чет эл валютасида қарз олди-бердисини амалга оширишга чекловларни вужудга келтираётган эди.

Бироқ амалиётда фуқаролар томонидан чет эл валютасида қарз келишувлари тузиш ҳолатлари кўп учраб, ушбу чекловлар сабабли ёзма равишда қарз шартномасини тузишга ва кейинчалик низо келиб чиққанда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тўсқинликларга олиб келаётган эди.

Фуқаролар ўртасида мазкур масалада вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида, Президент фармони билан ушбу чекловлар олиб ташланди ҳамда жисмоний шахсларга қарз шартномаларини нотариал тасдиқлаш орқали чет эл валютасида қарз бериш ва қайтариб олишга рухсат берилди.

Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда чет эл валютасида қарз беришда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳада Фуқаролик кодексига фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши, қарз суммаси чет эл валютасида белгиланганда эса ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши шартлиги каби янги қоида киритилмоқда.

"Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида резидент ва норезидент бўлган жисмоний шахслар ўртасидаги валюта операцияларига ёзма шаклда тузилган ва нотариал тартибда тасдиқланган қарз шартномаси орқали қарз бериш ва қайтариб олишга доир операциялар киритилмоқда.

"Давлат божи тўғрисида"ги қонунга қарз шартномасини нотариал тасдиқланганлик учун ҳамда нотариус томонидан қарз шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш бўйича ижро варақасини расмийлаштиришда давлат божи миқдорини икки бараварга камайтириш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан жисмоний шахсларнинг ўз мулки ҳисобланган чет эл валютасидаги пул маблағларини эркин тасарруф этиши, хусусан, уларнинг чет эл валютасида қарз беришда ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шу жумладан, низо келиб чиққан тақдирда судда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилинишига ҳуқуқий асослар яратилиши ҳамда қарз бериш ва олишда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишига туртки бериши ва бу борада яширинча келишувлар тузилишининг олди олиниши таъминланади.

Шу билан бирга, нотариуслар томонидан чет эл валютасида қарз шартномаларини тасдиқлашда фуқароларга зарур ҳуқуқий ёрдам ва хизматлар кўрсатилишига ҳамда нотариуслар томонидан ижро хатларини ёзишда давлат божининг камайтирилиши натижасида судларда ушбу масалаларда низолар кўриб чиқилишининг камайиши ва уларнинг иш юкламасига ижобий таъсир кўрсатилишига эришилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
*ЎзА мухбири*

*Бурч ва масъулият*

## Молиявий жарима

*у қачон ва қандай тартибда қўлланилади?*

***Маълумки, солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик чораларидан бири бу — молиявий жарима ҳисобланади. Молиявий жарималар амалдаги Солиқ кодексининг 28 ва 29-бобларида назарда тутилган миқдорларда тайинланади. Бир шахс томонидан икки ва ундан ортиқ солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, молиявий санкциялар, яъни жарималар ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида тарзда ундирилади.***

Молиявий санкцияларни қўллаш ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади. Назорат қилувчи органларнинг ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ариза билан судларга мурожаат этиш ҳуқуқи Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддасида белгилаб қўйилган.



Белгиланган тартибга кўра, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда берилади. У аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

(Давоми 6-бетда) ▶

*Одам савдоси — хавфли иллат*

## Маънавий қашшоқлик

*она ва қизни жиноят кўчасига етаклади*

***Назокат Бўронова (исм-шарифлар ўзгартирилган) хорижга ишлагани кетгани туфайли анчадан буён қизи билан учрашмаган эди. Хориждан қайтиб келиб, қизи билан кўришгач, юраги қандайдир нохушлик рўй берганини сезди. Чунки ҳали турмуш қурмаган Ситоранинг қадди-қомати-ю афт-ангорида ҳомиладорлик аломатлари сезилиб турарди.***

У айни дамда мўмай пул ишлаб келиш учун қизини ёлғиз қолдириб хорижга кетганидан қаттиқ афсус чекди. Аммо бунинг фойдаси йўқлигини билиб, энди бу иснoддан қандай қутулиш ҳақида тун бўйи мижжа қоқмай ўйлаб чиқди.

— Энди гап бундай, — деди она эрталаб Ситорага бироз жаҳлидан тушиб. — Бу ерда қолмаслигинг, таниш-билишлар кўзига кўринмаслигинг керак. Бугуноқ Сирдарёга жўнайсан.

Ситорани Сирдарёга жўнатишга асос бор эди. Чунки 2000 йилнинг 4 октябрь куни Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида туғилган С.Ўлмасжонова Боёвут туманидаги маҳаллалардан бирида доимий рўйхатда туриб, Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида онаси Н.Бўронова билан бирга яшаётганди.

Қисқаси ўша куни онасининг талаби билан Ситора Тошкент вилоятидан Сирдарёга йўл олди. Шу йилнинг 22 июнь куни у шифокор тавсияси билан Гулистон шаҳридаги туғруқ марказига қабул қилинди.

Ситора туғруқхонада кўзи ёришидан икки-уч кун олдин Шоҳсанам исмли аёл билан танишиб қолади. Суҳбат асносида Ситора янги танишига туғилажак фарзандини сотиш ниятида эканини айтади. Ўз навбатида, Шоҳсанам бу гапни дугонаси Шоирага етказади.

Дарҳақиқат, Ситора Шоҳсанамга онаси Н.Бўронова билан келишган ҳолда чақалоқни 3 минг 200 АҚШ долларига сотишини маълум қилади. Шунда Шоҳсанамнинг кўнглида бу тубан кимсаларга нисбатан нафрат пайдо бўлади. Натижада Ш.Иномова ва Ш.Бандақулова она-боланинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига қонуний чора кўришни сўраб, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Сирдарё вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилишади.

(Давоми 5-бетда) ▶

***Олий Мажлис Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлисида бир қатор қонунлар билан бирга "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги қонун ҳам сенаторлар томонидан маъқулланди.***

*Моҳият*

## Ҳаёт бағишлаш имкони

*инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясига оид янги қонун қабул қилинмоқда*

Мазкур янги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритишдан олдин шуни қайд этиш жоизки, ҳозирда навқирон ёшдаги айрим фуқаролар ўткир ва сурункали буйрак, жигар, юрак, ўпка етишмовчилиги каби хасталиклар туфайли барвақт ҳаётдан кўз юммоқда. Қолаверса, кўз касалликлари, суяклар ва тери қопламаларининг шикастланиши билан кечувчи касалликлар аҳоли саломатлигига хавф солмоқда. Шу билан бирга, чақалоқ ҳамда ёш болаларнинг буйрак, жигар, юрак, ўпка ва бошқа аъзолари туғма ривожланмаслиги, шунингдек, саратон туфайли бевақт қурбон бўлишининг олдини олиш ҳам тиббиёт олдидаги долзарб вазифалардан биридир.

Жаҳон тиббиёт тажрибасидан маълумки, бундай вазиятда инсон аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш оғир аҳволдаги беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини беради.

Афсуски, мамлакатимизда узоқ йиллар давомида трансплантация йўналиши бўйича қонунчилик асослари яратилмагани трансплантологиянинг клиник фан сифатида ривожланмай қолишига олиб келди. Оқибатда ана шундай касалликларга чалинган беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконияти йўқотилди.

(Давоми 5-бетда) ▶

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

2021 йил 27 ноябрь — № 35 — Тошкент шаҳри

## Фуқаролик ишларини кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

***Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек, қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми***

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тушунтирилсинки, фуқаролик ишларининг кассация тартибида қайта кўрилиши биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилиги, улар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини ва процессуал қонун талабларига риоя этилишини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 403-моддасига мувофиқ, биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқи қуйидагиларга тегишли:

(Давоми 2-бетда) ▶

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

2021 йил 27 ноябрь — № 36 — Тошкент шаҳри

## Иқтисодий ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

***Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми***

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тушунтирилсинки, иқтисодий ишларнинг кассация тартибида қайта кўрилиши биринчи ва апелляция инстанцияси судлари ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилиги, улар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини ва процессуал қонун талабларига риоя этилишини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 282-моддасига мувофиқ, биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқи қуйидагиларга тегишли:

(Давоми 3-бетда) ▶

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Фуқаролик ишларини кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

даъвогар, аризачи, жавобгар, учинчи шахс, уларнинг вакилларига;

тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар бундан мустасно;

бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоясида ариза берган давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва алоҳида фуқароларга (ФПК 53-моддасининг биринчи қисми);

ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахсга;

прокурорга.

Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили суд ҳужжати устидан кассация тартибида шикоят қилишга, башарти бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлгандагина ҳақли (ФПК 69-моддасининг иккинчи қисми).

Ишда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқий вориси томонидан берилган кассация шикоятига ҳуқуқ ўтганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, вилоят прокурори, унга тенглаштирилган прокурор ва уларнинг ўринбосарлари прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича кассация протести келтиришга, прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича эса, ФПК 403-моддасида кўрсатилган шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлганда кассация протести келтиришга ҳақли.

3. Тушунтирилсинки, қонунда кассация тартибида иш юритиш предмети юзасидан муайян истиснолар белгиланган. Жумладан, қуйидагилар устидан кассация тартибида шикоят (протест) берилмайди:

суд буйруқлари;

суднинг қонунда устидан шикоят бериш назарда тутилмаган ёки ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилмайдиган ажримлари (масалан, иш муҳокамасини кейинга қолдириш ҳақидаги, далилларни текшириш тартибини белгилаш ҳақидаги ажримлар ва бошқалар).

4. Қонунга мувофиқ, кассация шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди ажрими қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади (ФПК 405, $405^1$-моддалари).

5. ФПК 152-моддасига кўра, кассация шикояти (протести) бериш муддати апелляция инстанцияси суди қарори қабул қилинган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади ва мазкур муддат охирги ойининг тегишли санасида тугайди. Бунда апелляция инстанцияси суди ажримининг фақат хулоса қисми эълон қилиниши кассация шикояти (протести) бериш муддатини ҳисоблашга таъсир кўрсатмайди, бироқ муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани ҳал қилишда инобатга олинади.

Агар кассация шикояти (протести) процессуал муддатнинг охирги куни соат йигирма тўртга қадар ФПК 152-моддасининг еттинчи қисмида кўрсатилган усулда жўнатилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади. Бундай ҳолда кассация шикояти (протести) бериш санаси алоқа хати қабул қилинганлигини тасдиқловчи конвертдаги штамп, буюртма хат қабул қилинганлиги ҳақидаги квитанция ёхуд бошқа ҳужжат бўйича белгиланади.

6. Ўтказиб юборилган кассация шикояти (протести) бериш муддати манфаатдор шахс илтимосномасига кўра, башарти у кассация шикояти (протести) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва ўтказиб юборилган муддат суд томонидан узрли деб топилган бўлса, кассация инстанцияси суди судьяси томонидан тикланиши мумкин (ФПК $405^1$-моддасининг иккинчи қисми).

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома кассация шикояти (протести) билан бирга берилади. Қайд этилган процессуал муддатни тиклаш ҳақидаги илтимос бевосита кассация шикояти (протести) матнида бўлиши мумкин.

7. Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал ҳаракатни амалга оширишга объектив тўсқинлик қилувчи ҳолатлар узрли сабабларга киритилиши мумкин (масалан, фавқулодда ҳолатлар, сув тошқинлари, эпидемиялар, пандемия, карантин, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахснинг суд ҳужжатидан бехабарлиги ва бошқалар).

Жисмоний шахснинг касаллиги, ночор аҳволи, унинг оилавий аҳволи (оила аъзосининг ўлими ёки оғир касаллиги), шунингдек, бошқа ҳолатлар, агар улар қонунда белгиланган муддатда кассация шикоятини беришни истисно этган ёхуд жиддий равишда қийинлаштирган бўлса, узрли сабаблар деб топилиши мумкин.

Вакилнинг ёрдами учун ёки давлат божи тўлаш учун пул маблағларининг мавжуд эмаслиги, юридик шахс вакилининг хизмат сафарида, меҳнат таътилида бўлиши, ҳуқуқшуноснинг йўқлиги кассация шикояти бериш муддати ўтказилганлигининг узрли сабаблари сифатида кўрилиши мумкин эмас.

8. Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги масала судья томонидан кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилаётганда муҳокама қилинади.

Муддат ўтказилганлиги муносабати билан кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги судьянинг ажрими ФПК $407^3$-моддасида назарда тутилган тартибда бекор қилиниши мумкин.

9. ФПК 406-моддасида кассация шикояти (протести) шакли ва мазмунига доир талаблар белгиланганлиги сабабли, судья ҳар бир ҳолда кассация шикояти (протести) берган шахс томонидан қонунда кўрсатилган талабларга риоя қилинганлигини текшириши лозим.

10. Қонунга кўра, кассация шикоятига қуйидагилар илова қилиниши керак:

давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

кассация шикояти вакил томонидан имзоланган тақдирда, кассация шикоятига вакилнинг имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

Прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича кассация протестига тараф, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахснинг протест келтиришга асос бўлган мурожаати кўчирма нусхаси илова қилиниши лозим.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш, кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан берилган кассация шикоятига (протестига), шунингдек, қайтарилган шикоят (протест) ва судга тақдим этиш чоғида унга илова қилинган ҳужжатлар илова қилиниши керак.

11. Кассация шикояти берган шахс томонидан давлат божи тўлашнинг қонун билан белгиланган тартиби ва миқдорларига оид талабга риоя қилинганлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда судья "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддасининг 1-банди, 8-моддаси ва қайд этилган Қонунга илова "Давлат божи ставкаларининг миқдорлари"га амал қилиши лозим.

Давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги илтимоснома судья томонидан кассация шикоятини қабул қилишда ҳал қилиниши лозим.

12. Тушунтирилсинки, кассация инстанцияси суди судьяси кассация шикояти (протести) бўйича ишни суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

Ишни талаб қилиб олиш ҳақидаги масала судья томонидан кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда ҳал қилинади.

13. Кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судининг судьяси томонидан ўрганиб чиқилади ва у беш кунлик муддатда ФПК $407^2$-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

ФПК $407^3$-моддасида кўрсатилган асослар аниқланганда — кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

ФПК $407^4$-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда — кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида;

кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида (ФПК $407^5$-моддаси).

ФПК $407^3$ ва $407^4$-моддаларида назарда тутилмаган асослар бўйича кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтаришга йўл қўйилмайди.

Кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ёки кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси кассация шикояти (протести) берган шахсга, кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга беш кунлик муддат ичида юборилади.

14. Кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ёки кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрим манфаатдор шахснинг аризаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари томонидан бекор қилиниши ва шикоят (протест) иш юритишга қабул қилиниши мумкин.

Кассация шикояти (протести) бериш учун белгиланган муддат ўтказилиб берилган ариза кўриб чиқилмайди.

Кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим бекор қилинганда, у кассация инстанцияси судига дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган, деб ҳисобланади (ФПК $407^3$-моддасининг олтинчи қисми ва $407^4$-моддасининг еттинчи қисми).

15. ФПК $407^6$-моддасига мувофиқ, судья (суд) ишда иштирок этувчи шахслар илтимосномасига кўра, суд ҳужжатлари ижросини иш бўйича кассация инстанцияси судида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида судья кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда ёхуд алоҳида ажримда кўрсатиши мумкин.

Суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида ёхуд кассация инстанцияси судининг алоҳида ажримида кўрсатилиши лозим.

16. Зарур ҳолларда судья (суд) ишда иштирок этувчи шахс илтимосномасига кўра, кассация инстанцияси судида иш юритиш тамомлангунига қадар ФПК 106-моддасида назарда тутилган даъвони таъминлаш чораларини қўришга ҳақли.

17. Қонунга кўра (ФПК $407^7$-моддаси), кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги масала иш судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади.

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Агар суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган бўлса, бу ҳақда кассация шикоятини суд муҳокамасига кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади, ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ва видеоконференцалоқа ўтказилишида кўмаклашадиган судга юборилади (ФПК 209-моддаси).

18. Қонунда ишда иштирок этувчи шахсларни иш кассация инстанцияси судида кўрилиши вақти ва жойи тўғрисида суд томонидан хабардор қилиниши мажбурийлиги белгиланганлиги сабабли, ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида процесс иштирокчилари тегишли тарзда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаганда, ишда иштирок этувчи шахслардан бирор-бирининг суд мажлисига келмаганлиги, ишни кўришни кейинга қолдиришга сабаб бўлади (ФПК 397, $407^7$, 417-моддалари).

Кассация инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахслар ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишлича хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлганда ҳам, агар улардан бирор-бири келмаганлиги сабабини узрли деб топса, ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган шикоят (протест) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг кассация инстанцияси судининг мажлисига келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди.

19. ФПК 413-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар кассация шикояти берган шахс шикоятни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга, протест келтирган прокурор, шунингдек, юқори турувчи прокурор эса, протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки қайтариб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечилиши, протест қайтариб олиниши муносабати билан кассация тартибида иш юритишни тугатиш масаласи суд мажлисида шахснинг шикоятдан воз кечишга, протестни қайтариб олишга ваколати борлиги текширилгандан сўнг ҳал қилинади. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ФПК 69-моддаси мазмунига кўра, ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, башарти бу ҳолат ишончномада махсус кўрсатилган бўлмаса, кассация шикоятидан воз кечишга ҳақли эмас.

Тушунтирилсинки, кассация шикоятидан воз кечилганда (протест чақириб олинганда) кассация шикояти (протести) бўйича иш юритиш тугатилади, бошқа кассация шикояти (протести) мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

20. ФПК 47-моддасига кўра, процессуал ҳуқуқий ворислик суд процессининг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олиб, тарафлардан бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакил низоли ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетганда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ва ҳ.к.), кассация инстанцияси суди бундай шахсларни уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштиришга йўл қўяди ва уларга ишдаги барча материаллар билан танишиш учун имконият беради. Ҳуқуқий ворис процессга кирганлиги ҳақида кассация инстанцияси суди ажрим чиқаради. Бунда процессдан чиқиб кетган иштирокчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтади.

21. ФПК 415-моддасига мувофиқ, кассация шикояти (протести) бўйича иш кассация инстанцияси суди томонидан ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилади.

Алоҳида ҳолларда кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати суд томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) кўриш муддати узайтирилганлиги тўғрисидаги ажрим чиқарилади.

22. ФПК 416-моддаси мазмунига кўра, ишни кассация тартибида кўраётганида суд ишдаги материаллар бўйича қуйидагиларни аниқлаши керак:

суднинг ҳал қилув қарори, ажримида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқлигини;

биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини;

биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг уларнинг мазмуни ва шаклига нисбатан қонунда белгиланган талабларга мувофиқлигини.

23. Кассация инстанцияси судида ишни кўриб чиқиш ФПК 417-моддасида назарда тутилган тартибда, ФПК 45-бобида назарда тутилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда, амалга оширилади.

24. ФПК 418-моддасига кўра, кассация инстанцияси суди томонидан иш юритишни тўхтатиб туриш ФПК 10-бобида назарда тутилган асослар ва тартибда амалга оширилади.

Иш юритиш тикланганлиги тўғрисида кассация инстанцияси суди ажрим чиқаради ва ишда иштирок этувчи шахсларни иш кўриладиган кун тўғрисида хабардор қилади.

25. Тушунтирилсинки, ишни кассация тартибида кўришда суд янги далилларни текшириш ва янги фактларни аниқлашга ҳақли бўлмасдан, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя қилинганлигини иш материаллари бўйича текширади.

Биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар, шу жумладан, даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги талаб, кассация инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмайди.

26. Кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Кассация инстанцияси суди ажрими ишни кўриш тугаши биланоқ дарҳол чиқарилади. Алоҳида ҳолларда, асослантирилган ажримни тайёрлаш беш кунгача бўлган муддатга кечиктирилиши мумкин бўлиб, бироқ ажримнинг хулоса қисми суд томонидан кассация муҳокамаси тамомланган мажлисда эълон қилиниши керак.

27. Кассация инстанцияси судининг эътибори кассация шикоятида (протестида) келтирилган ҳар бир важни унинг асосли ёки асоссизлиги ҳақидаги хулосани ажримда кўрсатган ҳолда муҳокама қилиш зарурлигига қаратилсин.

Кассация инстанцияси суди ажримининг хулоса қисмида ишни шикоятни (протестни) кўриш натижалари тўғрисидаги хулосалар,

шу жумладан, суд харажатлари тақсимланиши кўрсатилиши керак.

Кассация инстанцияси суди чиқарилган ажримни эълон қилганидан сўнг, суд процесси иштирокчиларига қабул қилинган ажримнинг мазмун-моҳиятини, унинг устидан шикоят қилиш тартибини, шунингдек, суд мажлиси баённомаси билан танишиш муддатини тушунтириши шарт.

28. ФПК $399^1$-моддасига мувофиқ, кассация тартибида суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартиришга қуйидагилар асос бўлади:

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

суднинг ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги.

29. Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш деганда, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжати қўлланилмаганлиги ёхуд қўлланилиши лозим бўлмаган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжати қўлланилганлиги тушунилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал ҳуқуқ нормалари бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, башарти бу ишнинг нотўғри ҳал этилишига олиб келган бўлса, суд ҳужжатларини бекор қилишга асос бўлади. Шу билан бирга процессуал қонуннинг ФПК $399^3$-моддасида назарда тутилган ҳолларда бузилиши ҳар қандай ҳолда биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг суд ҳужжатларини сўзсиз бекор қилиш учун асос бўлади.

Шуни назарда тутиш лозимки, агар қонун ҳуқуқий муносабатлар вужудга келган пайтда амалда бўлган қонунчилик ҳужжати қўлланилишига йўл қўйса, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан ўз кучини йўқотган қонунчилик ҳужжати қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

30. ФПК 419-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор қабул қилишга;

ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгартиришга;

ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;

ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тўлиқ ёки қисман тугатишга;

айрим суд ҳужжатларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга.

31. Кассация инстанцияси суди, агар биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан суд ҳужжатлари қонунга мувофиқ чиқарилган деган хулосага келса, кассация шикоятини (протестини) қаноатлантирмасдан, суд қарорларини эса, ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

32. Кассация инстанцияси суди ФПК 122 ва 124-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича суд ҳужжатларини бутунлай ёки қисман бекор қилишга, аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга ҳақлидир.

33. Тушунтирилсинки, кассация инстанцияси суди ФПК $399^1$-моддаси биринчи қисмининг 1-банди ва $399^3$-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда суд қарорларини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун биринчи ёки апелляция инстанцияси судига юборишга ҳақли.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Иқтисодий ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

даъвогар, аризачи, жавобгар, учинчи шахс, уларнинг вакилларига;

тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилига, тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар бундан мустасно;

фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоясида даъво аризаси (ариза) берган давлат органлари ва бошқа шахсларга (ИПК 50-моддасининг биринчи қисми);

ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахсга;

прокурорга.

Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, шу жумладан, адвокат суд ҳужжати устидан кассация тартибида шикоят қилишга, башарти бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлгандагина ҳақли (ИПК 63-моддасининг иккинчи қисми).

Ишда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқий вориси томонидан берилган кассация шикоятига ҳуқуқ ўтганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Прокурор ўзининг иштирокида кўрилган иш бўйича кассация протести келтиришга, прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича эса, тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлганда кассация протести келтиришга ҳақли.

3. Судларга тушунтирилсинки, ИПК 50-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа шахслар (масалан, Савдо-саноат палатаси, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ва ҳ.к.) даъво улар томонидан тақдим этилган ҳолдагина суд ҳужжати устидан кассация тартибида шикоят бериши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил бундан мустасно.

4. Қонунга мувофиқ, кассация шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига берилади (ИПК 284, 285-моддалари).

5. ИПК 119-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, кассация шикояти (протести) бериш муддати апелляция инстанцияси суди қарори қабул қилинган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади ва мазкур муддат охирги ойининг тегишли санасида тугайди. Бунда апелляция инстанцияси суди қарорининг фақат хулоса қисми эълон қилиниши кассация шикояти (протести) бериш муддатини ҳисоблашга таъсир кўрсатмайди, бироқ муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани ҳал қилишда инобатга олинади.

Агар кассация шикояти (протести) почта орқали процессуал муддатнинг охирги куни соат йигирма тўртга қадар жўнатилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади. Бундай ҳолда кассация шикояти (протести) бериш санаси алоқа хати қабул қилинганлигини тасдиқловчи конвертдаги штамп, буюртма хат қабул қилинганлиги ҳақидаги квитанция ёхуд бошқа ҳужжат бўйича белгиланади.

6. Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати кассация инстанцияси суди судьяси томонидан манфаатдор шахс илтимосномаси бўйича, башарти у кассация шикояти (протести) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва муддат ўтказиб юборилиши сабаблари узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин (ИПК 285-моддасининг иккинчи қисми).

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномa кассация шикояти (протести) билан бирга берилади. Ушбу процессуал муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома бевосита кассация шикоятида (протестида) кўрсатилиши мумкин.

7. Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал ҳаракатларни амалга оширишга объектив тўсқинлик қилувчи ҳолатлар узрли сабабларга киритилиши мумкин (масалан, фавқулодда ҳолатлар, сув тошқинлари, эпидемиялар, пандемия, карантин, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахснинг суд ҳужжатидан бехабарлиги).

Юридик шахс вакилининг хизмат сафарида, меҳнат таътилида бўлиши, ҳуқуқшуноснинг бўлмаслиги, вакилнинг ёрдами ёки давлат божини тўлаш учун пул маблағларининг мавжуд эмаслиги юридик шахс томонидан кассация шикояти бериш муддати ўтказилганлигининг узрли сабаблари сифатида кўрилиши мумкин эмас.

8. Ўтказиб юборилган кассация шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш ҳақида ИПК 285-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган уч ойлик муддат ўтказиб юборилганидан кейин берилган илтимосномани қаноатлантириш рад этилади. Агар кассация шикояти (протести) беришнинг бир йиллик муддатини тиклаш рад этилган бўлса, кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш рад этилиши лозим (ИПК 291-моддаси биринчи қисмининг 4-банди).

9. Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги масала кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш масаласи кўриб чиқилаётганда муҳокама қилинади.

Муддат ўтказиб юборилганлиги муносабати билан кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан ИПК 306-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят (протест) берилиши мумкин.

10. ИПК 286-моддасида кассация шикоятининг (протестининг) шакли ва мазмунига доир талаблар белгиланганлиги сабабли, судья ҳар бир ҳолда кассация шикояти (протести) берган шахс томонидан қонунда кўрсатилган талабларга риоя қилинганлигини текшириши лозим.

Шуни инобатга олиш кераккки, қонунга кўра, кассация шикояти (протести) ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш ёки топшириш кассация шикояти (протести) берган шахс зиммасига киритилган бўлиб, бу буюртма хат юборилганлиги ҳақидаги квитанция, улар қабул қилинганлиги ҳақидаги тилхат ва бошқалар билан тасдиқланиши лозим.

11. Қонунга кўра (ИПК 288-моддаси), кассация шикоятига қуйидагилар илова қилинади:

давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация шикоятининг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

кассация шикояти вакил томонидан имзоланган тақдирда, унинг имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

Кассация протестига ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация протести ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича тарафнинг мурожаати кўчирма нусхаси илова қилинади.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш ва апелляция шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган кассация шикоятига (протестига) қайтарилган шикоят (протест) ва уни судга тақдим этишда унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

Кассация шикоятига давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли илова қилиниши керак, тўлов электрон тарзда амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Қайд этилган талабларга риоя этмаслик шикоятни ИПК 292-моддаси биринчи қисмининг 2-4-бандларига, протестни эса ИПК 292-моддаси биринчи қисми 2-http://lex.uz/docs/3523891 — 52320343-бандларига асосан қайтариш учун асос бўлади.

12. Шикоятни имзолашда факсимиледан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Агар шикоятни қабул қилишда судьяда шикоятни имзолаган шахсда таъсис ҳужжатларига мувофиқ уни имзолаш ҳуқуқи мавжудлиги борасида шубҳа туғилса, судья кассация шикоятини иш юритишга қабул қилади ва аризачига унинг шикоятни имзолашга ваколатини тасдиқловчи далилларни тақдим этишни таклиф қилади. Бундай далил тақдим этилмаганда кассация инстанцияси суди шикоятни ИПК 295-моддасининг биринчи қисмига асосан, кўрмасдан қолдиради.

13. Кассация шикояти берган шахс томонидан давлат божи тўлашнинг қонун билан белгиланган тартиби ва миқдорларига риоя қилинганлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда судья "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддасининг 2-банди, 9-моддаси ва қайд этилган Қонунга илова "Давлат божи ставкаларининг миқдорлари"га амал қилиши лозим.

Давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги илтимоснома судья томонидан кассация шикоятини қабул қилишда ҳал қилиниши лозим.

14. Тушунтирилсинки, кассация инстанцияси суди судьяси кассация шикояти (протести) бўйича ишни суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

Ишни талаб қилиб олиш ҳақидаги масала судья томонидан кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда ҳал қилинади.

15. Келиб тушган кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судининг судьяси томонидан ўрганиб чиқилади ва у беш кунлик муддатда ИПК 289-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш ва ишни талаб қилиб олиш тўғрисида;

кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида.

Кассация шикоятини (протестини) ўрганиш натижалари бўйича чиқарилган ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга ажрим чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай юборилади.

16. Тушунтирилсинки, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш, агар иш уларнинг даъво аризаси асосида қўзғатилган бўлмаса, ИПК 291-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан, рад этилиши керак, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келган низо юзасидан, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низо юзасидан қабул қилинган суд ҳужжати устидан берилган кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш ҳам шу асослар бўйича рад этилиши лозим.

17. Кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш ИПК 291-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан, рад этилади.

Қонунга кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қуйидаги:

ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш (ИПК 11-моддаси);

ўзини ўзи рад қилиш ёки судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби, таржимонни рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриш натижалари (ИПК 23-моддаси);

ишни бошқа иқтисодий судга тегишлилиги бўйича ўтказиш (ИПК 39-моддаси);

бошқа жавобгарни ишда иштирок этишга жалб этиш ёки жалб этишни рад қилиш (ИПК 44-моддаси);

ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш (ИПК 45-моддаси);

ишда иштирок этишга учинчи шахсларни жалб қилиш (ИПК 47, 48-моддалари);

мутахассисни суд мажлисида иштирок этиш учун жалб қилиш (ИПК 57-моддаси);

далилларни талаб қилиб олиш ва уларни турган жойида кўздан кечириш (ИПК 69, 70-моддалари);

ашёвий далилларни қайтариш (ИПК 79-моддаси);

экспертиза тайинлаш ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш (ИПК 80-моддаси);

суд топшириғи (ИПК 91-моддаси);

суд топшириғининг ижроси (ИПК 92-моддаси);

иш юритишни тиклаш (ИПК 106-моддаси);

процессуал муддатларни тиклаш (ИПК 123-моддаси);

процессуал муддатни узайтириш ёки узайтиришни рад этиш (ИПК 124-модда);

келишув битимини тасдиқлашни рад этиш (ИПК 134-моддаси);

суд буйруғини бекор қилиш (ИПК 147-моддаси);

даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш (ИПК 153-моддаси);

даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришни, даъво талаблари миқдорини кўпайтиришни ёки камайтиришни, даъвогарнинг даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишини қабул қилиш ёхуд қабул қилишни рад этиш (ИПК 157-моддаси);

ишларни бирлаштириш (ИПК 158-моддаси);

талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш (ИПК 159-моддаси);

қарши даъвони қабул қилиш (ИПК 161-моддаси);

ишни суд муҳокамасига тайёрлаш (ИПК 162-моддаси);

ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари ва илтимосномаларини ҳал этиш (ИПК 169-моддаси);

суд муҳокамасини кейинга қолдириш (ИПК 171-моддаси);

апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш (ИПК 267-моддаси);

қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш (ИПК 330-моддаси);

ижро ишини юритишни тиклаш (ИПК 346-моддаси) ҳақидаги ажримлари устидан кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин эмас.

Қонунга кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг ижро варақаси (ИПК 336-моддаси) устидан ҳам кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин эмас.

18. Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва кассация шикоятини (протестини) қайтариш ҳақидаги ажримда тегишлича ИПК 291-моддасининг биринчи қисмида ҳамда 292-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган аниқ асослар кўрсатилиши керак.

ИПК 291 ва 292-моддаларида назарда тутилмаган асослар бўйича кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтаришга йўл қўйилмайди.

Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган ҳолда, у судга дастлаб тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади.

19. Тушунтирилсинки, кассация шикоятида (протестида) уни имзолаган шахснинг фамилияси кўрсатилиб, исми ёки исми ва отасининг исми кўрсатилмаганлиги шикоятни (протестни) ИПК 292-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтариш учун асос бўлмайди.

Кассация шикояти (протести) электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши мумкин. Бунда судлар шуни эътиборга олиши кераккки, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборот тизимида тасдиқланган бўлиши лозим, акс ҳолда у имзоланмаган ҳисобланади.

20. Қонунга кўра (ИПК 294[1]-моддаси), кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги масала иш кассация инстанцияси судига келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади.

Кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Агар суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган бўлса, бу ҳақда кассация шикоятини (протестини) суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади ва у ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда видеоконференцалоқа ўтказилишига кўмаклашадиган тегишли судга юборилади (ИПК 166-моддасининг иккинчи қисми).

21. ИПК 294-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, судья ишда иштирок этувчи шахслар илтимосномасига кўра, суд ҳужжатлари ижросини иш бўйича кассация инстанцияси судида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида судья кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда ёхуд алоҳида ажримда кўрсатиши мумкин.

Суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туришни бекор қилиш тўғрисида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида ёхуд кассация инстанцияси судининг алоҳида ажримида кўрсатилиши лозим.

Зарур ҳолларда судья (суд) ишда иштирок этувчи шахс илтимосномасига кўра, кассация инстанцияси судида иш юритиш тамомлангунига қадар ИПК 94-моддасида назарда тутилган даъвони таъминлаш чораларини кўришга ҳақли.

22. Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш ва кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш учун турлича асослар назарда тутилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳам жиддий фарқ қилади.

Кассация шикояти (протести) ИПК 295-моддасида назарда тутилган асослар бўйича кўрмасдан қолдирилганда, уни кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингандан сўнг, шикоят (протест) янгидан берилиши мумкин. ИПК 296-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича иш юритиш тугатилганда, айнан бир шахс томонидан ва айнан шу асослар бўйича такроран берилган кассация шикояти (протести) кўрмасдан қайтарилади.

Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш тўғрисида, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

23. Кассация инстанцияси суди томонидан иш ИПК 297-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Кассация инстанцияси судида, жумладан, бошқа жавобгарни ишда иштирок этиш учун жалб қилиш (ИПК 44-моддаси), ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш (ИПК 45-моддаси), учинчи шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиш (ИПК 47, 48-моддалари), даъвонинг предмети ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш (ИПК 157-моддаси), ишларни битта иш юритишга бирлаштириш (ИПК 158-моддаси), талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш (ИПК 159-моддаси), қарши даъво тақдим этиш (ИПК 161-моддаси), шунингдек, қонунда фақат биринчи инстанция суди учун белгиланган бошқа қоидалар қўлланилмайди.

Қонунда кассация инстанцияси суди томонидан ишни кассация тартибида кўриш вақти ва жойи ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилиниши шартлиги белгиланганлиги сабабли, ушбу талабнинг бажарилмаганлиги суд муҳокамаси кейинга қолдирилишига олиб келади.

Суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган, шикоят (протест) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг кассация инстанцияси судининг мажлисига келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди.

24. ИПК 298-моддасига мувофиқ, кассация шикояти берган шахс суд ҳужжати чиқарилгунига қадар шикоятдан воз кечишга, протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор, протестни чақириб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечилганлиги (протест чақириб олинганлиги) муносабати билан шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатиш масаласи кассация инстанцияси суди томонидан шикоятни (протестни) кўриш учун тайинланган суд мажлисида ҳал қилинади ва бунда шахснинг шикоятдан воз кечиш (протестни чақириб олиш) ваколати текширилиши зарур. ИПК 63-моддаси мазмунига кўра, ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, агар ишончномада бундай ҳуқуқ махсус кўрсатилмаган бўлса, кассация шикоятидан воз кечишга ҳақли эмас.

Тушунтирилсинки, кассация шикоятидан воз кечилганда (протест чақириб олинганда) кассация шикояти (протести) бўйича иш юритиш тугатилади, бошқа кассация шикояти (протести) мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

25. Тушунтирилсинки, ишни кассация тартибида кўришда суд янги далилларни текшириш ва янги фактларни аниқлашга ҳақли бўлмасдан, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя қилинганлигини иш материаллари бўйича текширади.

Биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар кассация инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмайди.

ИПК 296-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар кассация шикоятида (протестида) биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар билдирилган бўлса, кассация инстанцияси суди шикоятнинг (протестнинг) бу талабларга тааллуқли қисми бўйича иш юритишни тугатади. Бунда янги талаблар деганда, моддий-ҳуқуқий талаблар, шунингдек, биринчи инстанция судида ишни кўришда иштирок этмаган шахсга нисбатан билдирилган талаблар тушунилади.

26. ИПК 300-моддасига мувофиқ, кассация шикояти (протести) бўйича иш кассация инстанцияси суди томонидан ишни муҳокамага тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилади.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Фуқаролик ишларини кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

◀ (Бошланиши 1 ва 2-бетларда)

34. ФПК 419-моддасининг 4-бандини қўллашда шуни инобатга олиш лозимки, ушбу асос бўйича ишни янгидан кўриш учун биринчи ёки апелляция инстанцияси судига юборишга иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган, шунингдек, арз қилинган талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган ҳолларда, йўл қўйилади.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво предмети ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги аризани (ФПК 44-моддасининг иккинчи қисми), шунингдек, қарши даъво аризасини (ФПК 200-моддаси) иш юритишга қабул қилишни асоссиз рад этилиши ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси суди ажримини бекор қилиш учун асос бўлади.

35. Шуни назарда тутиш лозимки, суд харажатларини тақсимлаш масаласининг ҳал этилмаганлиги ёки нотўғри ҳал этилганлиги ўз-ўзидан суд ҳужжатини бекор қилишга ёхуд ўзгартиришга асос бўлмайди. Бундай ҳолда кассация инстанцияси суди ажримининг хулоса қисмида суд харажатларини ФПК 138-141-моддаларида назарда тутилган қоидалар бўйича янгидан тақсимлаш ҳақида кўрсатилади.

36. Кассация инстанцияси суди ФПК 261-263-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахслар ёки ушбу моддаларда кўрсатилган бошқа шахслар аризасига биноан қуйидагиларга ҳақли:

кассация инстанцияси суди ажрими ёзувида йўл қўйилган хатоларни ва аниқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатишга;

қўшимча ажрим чиқаришга;

ажримни тушунтиришга.

Ушбу масалалар суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахсларни уни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилган ҳолда кўрилади. Бироқ мазкур шахсларнинг келмаганлиги бу масалаларни ҳал этиш учун тўсқинлик қилмайди.

37. Апелляция инстанцияси судида кўрилган биринчи инстанция судининг ажрими устидан, агар бу қонунда назарда тутилган ёки ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган бўлса, кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Апелляция инстанцияси судида кўрилган биринчи инстанция судининг ажрими устидан кассация тартибида шикоят (протест) бериш ва уни кўриш, суднинг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

38. Кассация инстанцияси суди хусусий шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

ажримни ўзгаришсиз қолдиришга;

ажримни бекор қилишга ва ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва масалани мазмунан ҳал қилишга.

Биринчи ёки апелляция инстанцияси судининг ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилувчи ажримини (масалан, аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ва ҳ.к.) бекор қилинганда, кассация инстанцияси суди ишни биринчи ёки апелляция инстанцияси судига мазмунан кўриб чиқиш учун юборади.

39. Кассация шикояти иш кассация инстанцияси судида кўрилгандан сўнг келиб тушганда, уни берган шахсга ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест киритиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади (ФПК $407^3$-моддаси биринчи қисмининг 3-банди).

40. Тушунтирилсинки, ФПК 403-моддасида кўрсатилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги ариза билан кассация шикояти (протести) бериш муддати ичида, мазкур муддат ўтган ҳолларда эса, ажрим чиқарилган кундан бошлаб бир ой ичида мурожаат қилишга ҳақли. Мазкур муддатлар ўтганидан кейин берилган ариза кўриб чиқилмайди (ФПК $419^3$-модда).

ФПК $399^1$-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари кассация тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжатлари устидан ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест киритишга ҳақли.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш беш нафар судьядан иборат таркибда ФПК 417-моддасида назарда тутилган қоидаларга асосан амалга оширилади.

41. Кассация инстанцияси суди давлат органи ёки бошқа орган, ташкилот, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилиши факти аниқланганда, уларнинг суд процессида иштирокидан қатъий назар, хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Агар суд уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, бу ҳақда жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар беради.

Хусусий ажрим чиқарилганлиги ҳақида суд мажлисида эълон қилинади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

42. Фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиётини ҳар чоракда умумлаштириш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** — **К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** — **И. АЛИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Иқтисодий ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида

◀ (Бошланиши 1 ва 3-бетларда)

Алоҳида ҳолларда кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати суд томонидан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Кассация шикоятини (протестини) кўриш муддати узайтирилганлиги тўғрисидаги ажрим чиқарилади.

27. Қонунга кўра, ишни кассация тартибида кўришда қуйидагилар аниқланиши лозим:

суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқлиги;

моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва (ёки) процессуал қонун талабларига амал қилинганлиги;

биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг мазмун ва шакл жиҳатидан қонунда кўрсатилган талабларга мувофиқлиги.

28. Кассация инстанцияси суди томонидан иш юритишни тўхтатиб туриш ИПК 9-бобида назарда тутилган асослар ва тартибда амалга оширилади.

ИПК 101-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида белгиланган нормани қўллашда шуни назарда тутиш кераки, агар кўрсатилган ҳолатлар ишни кўришга тўсқинлик қилмаса, кассация тартибида иш юритишни тўхтатиб туриш мумкин эмас.

Иш юритиш тикланганлиги тўғрисида кассация инстанцияси суди ажрим чиқаради ва иш кўриладиган куни ва вақти тўғрисида ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилади.

29. Кассация шикоятини (протестини) мазмунан кўриш натижалари бўйича кассация инстанцияси суди қарор қабул қилади.

Кассация инстанцияси суди қарори ишни кўриш тугаши биланоқ дарҳол қабул қилинади. Айрим ҳолларда асослантирилган қарорни тайёрлаш беш кунгача бўлган муддатга кечиктирилиши мумкин, бироқ унинг қарор қисмини суд кассация шикояти (протести) муҳокамаси тамомланган мажлиснинг ўзида эълон қилиши керак.

Кассация инстанцияси суди қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

30. Кассация инстанцияси суди ўз қарорида кассация шикоятидаги (протестидаги) ҳар бир важни, унинг асосли ёхуд асоссизлиги ҳақидаги хулосани баён этган ҳолда муҳокама қилишга мажбур.

Кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида ишни шикоят (протест) бўйича кўриш натижалари тўғрисидаги хулосалар, шунингдек, суд харажатлари тақсимланиши кўрсатилиши керак.

Суд қарори ўқиб эшиттирилганидан сўнг, ишда иштирок этувчи шахсларга қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти, ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи, шунингдек, суд мажлиси баённомаси билан танишиш муддати тушунтирилади.

31. ИПК 302-моддасига мувофиқ, суд ҳужжатларини кассация инстанциясида ўзгартириш ёки бекор қилишга қуйидагилар асос бўлади:

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

32. Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш деганда, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжатини қўлламаслик ёхуд қўлланилиши лозим бўлмаган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжатини қўллаш ёхуд қонунни ёки бошқа қонунчилик ҳужжати нотўғри талқин қилинганлиги тушунилиши керак.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу ишнинг нотўғри ҳал этилишига олиб келган бўлса, шунингдек, ИПК 302-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда суд ҳужжатларини бекор қилиш учун асос бўлади.

Шуни назарда тутиш лозимки, агар қонун ҳуқуқий муносабатлар вужудга келган пайтда амалда бўлган қонунчилик ҳужжати қўлланилишига йўл қўйса, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан ўз кучини йўқотган қонунчилик ҳужжати қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

33. ИПК 301-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди қуйидагиларга ҳақли:

ҳал қилув қарори, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

ҳал қилув қарори, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

ИПК 302-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида ва тўртинчи қисмининг 4 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган суд инстанциясига юборишга;

ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга;

ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани (шикоятни) тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

суд ҳужжатларининг баъзиларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга.

34. Кассация инстанцияси суди, агар биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан суд ҳужжатлари қонунга мувофиқ чиқарилган деган хулосага келса, кассация шикоятини (протестини) қаноатлантирмасдан қолдиришга, ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни эса, ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

35. ИПК 301-моддасининг 3-бандини қўллашда шуни инобатга олиш лозимки, ушбу асос бўйича ишни янгидан кўриш учун биринчи ёки апелляция инстанцияси судига юборишга, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган, шунингдек, арз қилинган талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган ҳолда, йўл қўйилади.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво предмети ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги аризани (ИПК 157-моддаси), шунингдек, қарши даъво аризасини (ИПК 160-моддаси) иш юритишга қабул қилишни асоссиз рад этилиши ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси суди қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёки даъво кўрмасдан қолдирилса, кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида суд ҳужжатининг тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган қисми бўйича ундирув тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши кўрсатилади.

36. Кассация инстанцияси суди ИПК 107 ва 110-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича, агар шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлувчи ҳолатлар аниқланган бўлса, ҳал қилув қарори, қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилишга, аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга ҳақли.

37. Кассация инстанцияси суди ИПК 190 ва 191-моддаларида назарда тутилган ҳолларда:

қарорни тушунтиришга;

қарор матнида йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни тузатишга ҳақли.

Ушбу масалалар суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи ҳақида хабардор қилган ҳолда кўрилади. Бироқ мазкур шахсларнинг келмаслиги бу масалаларни ҳал этиш учун тўсқинлик қилмайди.

38. ИПК 199 ва 305-моддаларига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида кўрилган биринчи инстанция судининг ажрими устидан, агар бу қонунда назарда тутилган ёки ишнинг келгусидаги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган бўлса, кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Апелляция инстанцияси судида кўрилган биринчи инстанция судининг ажрими устидан кассация тартибида шикоят (протест) бериш ва уни кўриш, суднинг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

39. ИПК 305-моддасининг учинчи қисмига кўра, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судида кўрилган ажрим, қарор, апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

биринчи инстанция судининг ажримини, қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

биринчи инстанция судининг ажримини, қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартиришга ёки бекор қилишга ёхуд илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга;

даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги, даъво аризасини қайтариш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажримни, уларни ўз кучида қолдириш тўғрисидаги апелляция инстанцияси суди қарорини бекор қилишга ва даъво аризасини, ишни кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

апелляция инстанцияси судининг апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги, апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги, апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш, апелляция инстанцияси судида иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажримни бекор қилишга ва апелляция шикоятини (протестини), ишни кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборишга.

40. Қонунга кўра, кассация инстанцияси суди судьясининг кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш, кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрими кассация шикоятини берган (протестини келтирган) шахснинг аризаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарининг ажрими билан бекор қилиниши мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги кассация инстанцияси судининг ажрими Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарининг протести бўйича бекор қилиниши ва иш кассация тартибида мазмунан кўриб чиқилиши мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш, кассация шикоятини (протестини) қайтариш, кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза суд ҳужжати устидан кассация шикояти бериш муддати давомида, ушбу муддат тугаган ҳолда эса, ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ой муддат ичида берилиши мумкин.

41. ИПК 282-моддасида кўрсатилган шахслар ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари ИПК 302-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтиришга ҳақли.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест киритиш ҳақидаги ариза кассация шикояти (протести) бериш муддати давомида, ушбу муддат тугаган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида берилиши мумкин. Ушбу муддатлар ўтгандан сўнг берилган аризалар кўриб чиқилмайди ва ўтказиб юборилган муддатлар тикланмайди.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш умумий асосларда беш нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади.

42. Кассация инстанцияси суди давлат органи ёки бошқа орган, ташкилот, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилиши факти аниқланганда, уларнинг суд процессида иштирокидан қатъий назар, хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Агар суд уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, бу ҳақда жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар беради.

Хусусий ажрим чиқарилганлиги ҳақида суд мажлисида эълон қилинади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

43. Кассация шикояти иш кассация инстанцияси судида кўрилгандан сўнг келиб тушганда, уни берган шахсга ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест киритиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

44. Иқтисодий ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиётини ҳар чоракда умумлаштириш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** — **К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** — **И. АЛИМОВ**

# Коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўрни ва роли

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари тегишли давлат органи ва фуқаролик жамияти институти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, улар билан фаолият юритиш истагида бўлган бошқа давлат органларининг ҳам янги алоқалар ўрнатишига туртки беради.

Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўрнатиладиган ҳамкорликнинг энг муҳим ижобий хусусиятларидан яна бири, бу — тажриба алмашинув натижасида эришиладиган етук малака. Яъни давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашишга доир самарали, серқирра тажрибаси фуқаролик жамияти институтининг бу соҳадаги кўникмасининг ортишига хизмат қилади. Шунингдек, фуқаролик жамияти институти билан ҳамкорлик илғор хорижий тажрибани самарали татбиқ этишда ҳам қўл келади. Айтиш керакки, давлат органлари хориждаги ҳамкасблари билан мулоқотга киришиш ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаб боришда турли бюрократик таомилларга амал қилишга мажбур бўлишлари эҳтимолдан йироқ эмас. Бу эса, мазкур доирада халқаро ҳамкорликни сезиларли даражада сустлаштириб, хорижий тажрибани амалиётга татбиқ қилишни узоқ муддат ортга суриши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бугун фаол нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро майдонда коррупцияга қарши курашишда илғор бўлган ўз ҳамкасблари билан қисқа фурсатда осонлик билан алоқа ўрнатиш имконига эга. Бу эса, ўз навбатида, амалиётни илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш жараёнини жадаллаштиради. Жумладан, келгусида коррупцияга қарши курашувчи халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарадор, ижобий натижаларини ўрганишни мақсад қилган ҳолда хорижий ҳамкорликни ўрнатиш "Тараққиёт стратегияси" маркази каби нодавлат нотижорат ташкилотлари олдида турган бош вазифалардан биридир.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатини тарғиб қилиш ва аҳолининг бу борадаги хабардорлигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорлик юритиш, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради. Зеро, уларда кенг аҳоли қатламини қамраб олиш имкони мавжуд бўлиб, мазкур соҳадаги ислоҳотларни қўллаб-қувватловчилар сонининг ортишига ҳам кўмакдош бўлиши шубҳасиз.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари қуйидаги тўрт масалада чақириқ билан чиқишлари ҳам мумкин. Бу — қонунлар, сиёсат, амалиёт ва хулқ-атвор.

Қонунлар қониқарсиз ёки самарасиз бўлса, фуқаролик жамияти институтлари уларни такомиллаштириш бўйича ёки қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқ сабабли коррупция ҳолатлари вужудга келаётган бўлса, ўша муаммони тартибга солувчи янги қонунлар қабул қилиш борасидаги чақириқлар билан чиқишлари мумкин. Шу боис нодавлат нотижорат ташкилотлари қонунчилик ташаббусининг турли босқичларида, жумладан, тегишли ташкилотлар томонидан тузиладиган ишчи гуруҳларда ҳам фаол бўлиши керак. Ушбу имкониятдан фойдаланиш учун эса уларга тегишли шарт-шароит яратилиши зарур. Бунда қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида коррупциоген факторларнинг бор-йўқлигига, кимларнингдир манфаатлари кўзланган ёки кўзланмаганлигига, қонунчилик ташаббускорларининг холислигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари коррупцияга қарши курашишдаги сиёсатни белгилаш, ўзгартириш ва такомиллаштиришда ҳам фаол бўлишлари муҳим саналади. Бунинг учун фуқаролик жамияти институтларидан сиёсатнинг расмий ва норасмий жараёнларидан яхши хабардор бўлиш талаб этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг амалиётни такомиллаштиришдаги фаоллиги қонун ёки сиёсатнинг қониқарли даражада ишламаётганлигини исботлаб беришда ўз аксини топади. Яъни улар қонун ва сиёсатни амалиётга самарали татбиқ қилиш зарурлиги бўйича чақириқ билан чиқишлари мумкин. Бу усулдан, тегишли қонун ва сиёсат бор-у, аммо уларга амал қилинмаслиги оқибатида коррупция кенг тарқалган пайтда фойдаланилади. Нодавлат нотижорат ташкилотидан бу борада катта маҳорат талаб этилади. Улар маҳорат билан амалдаги қонун ва сиёсатни бузаётганларни огоҳлантириши, коррупция ҳолатларини тўхтатишга қодир бўлган шахсларнинг диққатини жалб қила билишлари керак бўлади. Албатта, бу осон иш эмас, чунки бундай чақириқ билан чиқиш қонунчиликни мукаммал билишни ва етарлича далилларга эга бўлишни талаб этади.

Яна нодавлат нотижорат ташкилоти амалдаги қонунчилик, шунингдек, сиёсат билан тартибга солинмаган ҳамда қонқонга сингиб кетган норасмий муносабатлар, анъанавий амалиётлар ёрдамида бошқарилиб келинаётган хулқ-атвор, ҳаракат ёки удумларни ўзгартириш чақириғи билан ҳам чиқиши мумкин. Маълумки, бу жараён совға-саломлар, олди-бердилар, манфаатлар тўқнашуви каби шубҳали хатти-ҳаракатлар орқали намоён бўлади. Непотизм ана шундай амалиётлардан бири ҳисобланади. Бунда объектив қараш эмас, балки шахсга қандайдир афзалликлар бериш кўзда тутилади.

Фуқаролик жамияти институтларининг оммавий ахборот воситалари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиши ҳам коррупцияга қарши курашишнинг самарали усули ҳисобланади. Зеро, бир томондан ОАВ катта маълумотлар базасига эга бўлиб, улар ана шу маълумотлардан фойдаланган ҳолда тегишли чораларни кўришга хизмат қилса, иккинчи тарафдан давлат ушбу соҳадаги сиёсатни, айнан ОАВ орқали фаол ва кенг тарғиб қилиш имконига эга. Бу борада, албатта, маълумотларнинг ҳаққонийлигига эътибор қаратиш лозим саналади.

Фуқаролик жамияти институтлари юқорида келтириб ўтилган омилларни коррупцияга қарши курашишда кенг қўллаши мумкин. Хусусан, бюджет маблағларининг тақсимотидан тортиб, уларнинг сарфланишигача бўлган ҳолатлар, давлат мулкини хусусийлаштиришнинг турли жараёнлари, давлат харидлари, мамлакатнинг ҳар бир чеккасидаги давлат объектларининг қурилиши ва шу каби бошқа амалиётларда учрайдиган коррупциоген факторларни аниқлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаол бўлиши муҳим ҳисобланади. Бунда, албатта, мамлакатда рақамлаштириш соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, шунингдек, ҳар бир соҳада фаолият юритаётган махсус электрон порталларнинг ҳам ўрни беқиёс. Буларнинг барчаси фуқаролик жамияти институти томонидан мониторинг ўтказиш ва унинг натижаларга кўра тегишли таклифлар билан чиқиш имкониятини кенгайтириб, ишни сезиларли даражада енгиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг очиқ электрон базаларда чоп этилиши, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органларининг фаолияти, айниқса, молиявий хатти-ҳаракатини яқиндан кузатиш имконини бермоқда. Энг муҳими, бундай имкониятлардан фойдаланаётганларнинг сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

2021 йилнинг 20 декабрь ҳолатига кўра, https://openbudget.uz/ сайтида фуқаролар томонидан билдирилган ташаббуслар сони 41 125 тани ташкил этди, улардан 22 967 таси ўз тасдиғини топди. Ташаббусларнинг 55,8 фоизи асосли деб топилиб, давлат бюджети томонидан молиялаштирилиши режалаштирилди. Бу, албатта, маблағларнинг сарфланиш жараёни, юқорида келтирилган механизмлар асосида бажарилаётган ишларнинг сифатини яқиндан назорат қилишга кўмак беради.

Қолаверса, бошқарув соҳасида давлат иштирокининг қисқартирилаётгани, давлат хизматига кадрларни танлашда уларнинг малакавий талабларга жавоб бера олиши, шунингдек, соҳага оид билимини баҳолаш учун тест ва суҳбат ўтказишни ўз зиммасига олган vacancy.argos.uz сайтининг ишга туширилиши, меҳнат дафтарчаси, ойлик даромад ҳақидаги маълумотларнинг электрон базага мунтазам киритиб борилиши, ҳар қандай давлат хизматларидан фойдаланишда электрон навбат тизимининг йўлга қўйилиши каби бир қатор жараёнлар мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш йўлида олиб борилаётган самарали ишларнинг ҳосиласидир. Келгусида фуқаролик жамияти институтлари бу каби йўналишлардаги камчиликларни танқидий нуқтаи назардан баҳолаши, юқорида келтирилган механизмлардан самарали фойдаланган ҳолда, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ва янги ғояларни амалиётга татбиқ этишлари лозим бўлади.

Шу ўринда коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари дуч келиши мумкин бўлган муаммо ва қийинчиликларга ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Энг асосий муаммо, бу — фуқаролик жамияти институтларида етарли даражада ресурсларнинг, шу жумладан, молиявий ҳамда тегишли ихтисосликка эга мутахассисларнинг йўқлиги. Шу боис, фуқаролик жамияти институтларининг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш учун молиявий масалалар давлат, халқаро ёки хорижий донорлар томонидан ўз вақтида ҳал қилиниши лозим бўлади. Чунки бу ҳолат улар фаолиятининг самарадорлигига бевосита таъсир қилади. Лекин бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам нохолис бўлмаслиги даркор. Энг муҳими, халқаро ва хорижий донорларнинг кўмак маблағлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан, айнан чет эл манфаатлари учун сарфланмаслиги зарур. Бундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари ҳамкорликда олиб борилаётган мониторинг жараёнида, давлат органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига тегишли маълумотларни тақдим қилиш эвазига бирон-бир талаб ўртага қўйилиши ҳам мумкин. Хусусан, мониторинг натижаларини кенг жамоатчиликка тақдим қилишдан аввал уларни тегишли давлат ташкилотига кўрсатиб, тасдиқлатиб олишни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Улар бугун учраётган турли муаммоларни камайтириш ва ижобий ҳал қилишда ўзларининг мислсиз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Хусусан, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби соҳаларни тартибга солиш борасида кўрсатилаётган ташаббуслар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари нодавлат нотижорат ташкилотларининг идоравий режаси, тарғибот ва ташвиқот ишларининг деярли барчаси жамиятни ривожлантиришга, унинг тараққиётига ғов бўладиган ҳар қандай тўсиқни бартараф этишга, хусусан, коррупцияга қарши курашиш чораларини кўришга қаратилгани Янги Ўзбекистонни қуриш йўлидаги муҳим ҳаракатдир. Зеро, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари коррупцияга қарши курашиш борасидаги ўз стратегияларини унга таъсир кўрсатмайдиган омиллардан келиб чиқиб белгилашлари муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизда коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги устувор сиёсатни амалга ошириш йўлида ижобий натижаларга эришиш учун самарали хизмат кўрсатади.

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
*"Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши аъзоси*
**ЎзА**

*Моҳият*

# Ҳаёт бағишлаш имкони

## *инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясига оид янги қонун қабул қилинмоқда*



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу сабабли беморлар бу турдаги амалиётлар қиммат бўлса-да, хориждаги тиббиёт муассасаларига мурожаат этишга мажбур бўлмоқда. Улар чет элларда даволанишда турли машаққатлар, катта миқдордаги молиявий харажатлар, тил билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келмоқда. Лекин барча беморлар ҳам бундай имкониятга эга эмас.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш, фуқароларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва ўта оғир беморларнинг тўлақонли ҳаётга қайтишига имкон яратиш мақсадида ишлаб чиқилган янги қонун бу борадаги бўшлиқларни тўлдириш баробарида трансплантология фанининг ривожига мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Янги қонунни ишлаб чиқишда Германия, Польша, Россия, Беларусь, Украина, Молдова ва АҚШ каби давлатларнинг трансплантацияга тааллуқли қонунчилиги батафсил ўрганиб чиқилган.

Янги қонунда трансплантацияни амалга ошириш мақсад ва шартлари, трансплантация объектлари, донор ва реципиентнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланган.

Аниқроқ айтганда, янги қонунда "бош миянинг ўлими", "инсон аъзоси", "инсон тўқимаси", "реципиент", "тирик донор" ва "трансплантация" каби тушунчаларга аниқлик киритилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги ваколатлари баён этилган.

Бундан ташқари янги қонунда фуқаролар учун донорликка доир чекловлар ҳам аниқ белгиланган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган, трансплантация қилиш учун донорликка қарши кўрсатма мавжуд бўлган касалликлар рўйхатига кирувчи касаллиги бор ёки илгари шундай касалликка чалинган донор ёхуд одам мурдасига тегишли аъзони кўчириб ўтказишга йўл қўйилмайди.

Бу донор бўлишга рухсат берилмайдиган шахслар рўйхатида ўз ифодасини топган.

Янги қонунда трансплантация жараёнида инсон органлари, тўқималари ва ҳужайраларини ноқонуний олиш ёки уларни олишга мажбурлаш, ноқонуний битимлар тузиш, трансплантация қилишнинг тартиб ва шартларини бузиш, одам органларини мамлакатимиздан ташқарига олиб чиқишга доир жазо чоралари ҳам белгиланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир шахснинг малакали тиббий ёрдам олишига шарт-шароит яратиш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим шартидир. Шу маънода ушбу янги қонун инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги муносабатларни аниқ тартибга солиши билан бирга, инсон аъзолари ва тўқималари трасплантациясини бажаришдаги мақсад ва шартларни қонуний кафолатлайди. Бинобарин, "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги қонун соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига қаратилган давлат сиёсатининг амалдаги қонунчилик асосларини тўлдиришга имкон яратади. Бундан ташқари касалланиш ва аъзолардаги қайтариб бўлмайдиган жараёнлар туфайли ўлимга олиб келувчи ҳолатларни қисқартиришга хизмат қилади.

**Одилжон ИМИНОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси*

*Одам савдоси — хавфли иллат*

# Маънавий қашшоқлик

## *она ва қизни жиноят кўчасига етаклади*



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу мурожаатдан сўнг бошқарма томонидан тезкор тадбир ўтказилиши режалаштирилади. Тадбирда фойдаланиш учун бошқарманинг махсус кассасидан олинган 32 дона 100 АҚШ доллари купюрасига мутахассислар ва икки нафар холис иштирокида кимёвий кукун билан ишлов берилади. Шунингдек, Шоҳсанамга махсус овоз ёзиш мосламаси — диктофон ҳам тақдим этилади.

Бундан бехабар Ситора туғуруқхонадан чиқишаётганини айтиб, Шоҳсанамга қўнғироқ қилади. Туғуруқхонага етиб борган Шоҳсанам уларни ўзининг хонадонига олиб боради.

Орадан кўп вақт ўтмай Шоира келишилган пулни олиб келади. Н.Бўронова Шоҳсанамдан 3 минг 200 АҚШ долларини санаб олади.

Келишувга кўра, Ситора фуқаро Ш.Иномовага ўз хоҳиши билан боласини топширгани ва бунинг эвазига 3 минг 200 АҚШ доллар миқдоридаги пулларни олгани, келгусида даъво қилмаслигини баён этиб, тилхат ёзиб беради. Тилхатга Ситора билан бирга онаси Н.Бўронова ҳам имзо қўяди.

Чақалоқни жабрланувчиларга топширган болафурушлар уйдан чиқиши билан қўлга олинади ва уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Вояга етмаган Моҳина Ўлмасжонова "Болалар уйи"га топширилади.

Шу ўринда судланувчиларга нисбатан суд томонидан жиноий қилмишлари учун жазо тури ва меъёрини белгилаш ҳолатларига тўхталишдан олдин одам савдоси, хусусан, чақалоқлар савдоси билан боғлиқ баъзи маълумотларга тўхталишни ўринли деб ўйлаймиз.

Халқаро ташкилотлар берган маълумотларга қараганда, дунё миқёсида ҳар йили 4 миллион нафардан ортиқ киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Уларнинг 80 фоизини аёллар ва вояга етмаганлар ташкил этади.

Мамлакатимизда одам садоси жиноятларининг сони 2012 — 2019 йиллар мобайнида олти баробарга камайган. Бу яхши, албатта. Бироқ ана шу вақт ичида чақалоқлар ва болалар савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони ортган. Кейинги уч йилда чақалоқ савдосидан 114 нафар бола жабрлангани ва уларнинг аксарияти 3 ёшгача бўлган болалар экани ғоятда хавотирлидир.

Энди юқорида тафсилоти баён этилган жиноят ишига қайтадиган бўлсак, биринчи босқич суди судланувчилар Н.Бўронова ва С.Ўлмасжонованi Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топди ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Аммо суднинг ҳукмидан норози бўлган судланувчилар апелляция шикояти билан мурожаат қилишди.

Яқинда ушбу апелляция шикояти Сирдарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида мазмунан кўриб чиқилди.

Апелляция инстанциясида биринчи босқич судининг ҳукмида ифодаланган барча хулосалар асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилган ҳамда судланувчиларнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" банди билан тўғри малакаланган, деган тўхтамга келинди.

Апелляция судлов ҳайъатида аниқланишича, биринчи босқич суди судланувчи Н.Бўроновага жазо тайинлашда қилмишнинг сабаби, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Жиноят кодексининг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига амал қилган. Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида берилган тушунтиришларга амал қилиб, ишдаги барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олган, судланувчиларга қилмишларига яраша жазо тайинлаб, қонуний хулосага келган. Бироқ апелляция судлов ҳайъати судланувчи Н.Бўроновага нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрорлиги, аёллиги, муқаддам судланмагани, оилада ягона боқувчилиги, бир оиладан икки киши судланаётгани, ўғли хорижга ишлаш учун кетгани, қизи С.Ўлмасжоновага озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланаётганини инобатга олмасдан, унга нисбатан бирмунча оғир жазо тайинлаган, деб ҳисоблади.

Шу боис апелляция судлов ҳайъати ажримига асосан судланувчи Н.Бўроновага Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Жиноят кодексининг 62-моддасига кўра, судланувчининг 2021 йил 6 июлдан 2021 йил 8 октябрь кунига қадар қамоқда ўтирган 3 ой 2 куннинг ҳар бир куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, ўташ учун 4 йил 8 ой 28 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилди. Суд ажрими билан Н.Бўроновага қўшимча тақиқлар юклатилди.

Воқеа тафсилотларидан кўриниб турибдики, маънавий қашшоқлик, нафс қутқуси она ва қизини жиноят кўчасига етаклади. Бу эса жамиятда маънавиятни юксалтириш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада кенг тарғиб этишни тақозо этади. Зеро, маънавий етук, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти кенг бўлган инсон асло жиноий қилмишларга қўл урмайди.

**Бобошер ҚУРБОНОВ,**
*Сирдарё вилояти суди раиси ўринбосари*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Жиноят ва жазо*

# Жазава қурбонлари

## *ёхуд пароканда бўлган оила*

***"Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши", дейди доно халқимиз. Бу — оилада эр-хотин ўртасидаги жанжал шунчаки ўткинчи ҳолат эканига ишорадир.***

Аммо Фурқат туманида яшовчи эр-хотин Зоҳид Қўлдошев ва Лазиза Қўлдошева (исм-шарифлари ўзгартирилган)нинг навбатдаги жанжали бундай бўлмади. Аксинча, фожиали якун топди.

Гап шундаки, улар 2006 йилда шаръий никоҳ асосида оила қуришади. 2007 йилда тўнғичи Искандар, 2013 йилда эса кичик ўғил Равшан туғилади. Шундан сўнг Зоҳид ишлаш учун хорижга жўнаб кетади. Чет элда ишлаб юрган кезларида Лазиза унга хиёнат қилаётганидан хабар топади. Аниқроқ айтганда, телефон орқали мулоқотларнинг бирида ўғли Искандар уйга бегона кишилар келиб кетганини маълум қилади. Шу боис юрагини шубҳа-гумон эгаллаб, тезда ортига қайтади. Пировардида оилада кунда-кунора жанжал чиқадиган бўлиб қолади. Бир гал Лазизанинг тилига эрк бериб, фарзандларининг отаси бошқа эканини айтгани эса, гўё оловга мой қуйгандек бўлади.

Шу йилнинг 4 май куни эр-хотин Олтиариқ туманидан сотиш учун мева олиб келишаётганда Зоҳиднинг бошқарувидаги "Жигули" русумли автомашинаси "Дамас" автомашинаси билан тўқнашиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисаси юз беради.

Иккала ҳайдовчи зарар миқдорини тахминан бир ярим миллион сўм этиб белгилашади. Келишувга биноан, эртаси куни "Дамас" автомашинаси эгаси пулни олиш учун З.Қўлдошевнинг уйига боради. Шунда Зоҳид жабрланувчига беш юз минг сўм пул бермоқчи бўлганда Лазиза тағин жанжал бошлайди.

**(Давоми 6-бетда)** ▶

*Бурч ва масъулият*

# Молиявий жарима

## у қачон ва қандай тартибда қўлланилади?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Судга ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризада суд, ишда иштирок этаётган шахсларнинг номлари ҳамда уларнинг жойлашган жойи ва яшаш жойи, ҳуқуқбузарлик фактини аниқлаган назорат қилувчи органнинг номи, билдирилган талабга асос бўлган ҳолатлар, билдирилган талабнинг асосларини тасдиқловчи далиллар, юридик шахс ёки фуқаронинг судга мурожаат қилишига асос бўлган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, аризачининг талаби, жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилгани тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

Шу ўринда ҳаётий бир мисолга тўхталамиз. Судга Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси "PURE FRUIT TRADE" хусусий корхонасига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Аризада қайд этилишича, "PURE FRUIT TRADE" хусусий корхонаси томонидан Хитой давлатининг "CELTIC COOLING" компанияси билан тузилган импорт шартномаси бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, 26.131,34 АҚШ доллари миқдорида дебитор қарздорликка йўл қўйилган. Дебитор қарздорликни бартараф этиш ҳақида юборилган талабномалар оқибатсиз қолдирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада takомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, хусусий корхонага 246.180.735,50 сўм миқдорида молиявий жарима ҳисобланган. Шу асосда Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси судга мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан молиявий жарима қўллашни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар аризадаги важларни тўлиқ исботлаб бериб, унга тегишли ҳужжатларни илова қилди. Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, аризани қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Агар судга мурожаат қилиш вақтида Иқтисодий процессуал кодексининг 219-моддасида назарда тутилган талаблар бузилган бўлса, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза ушбу кодекснинг 155-моддасида белгиланган қоидалар бўйича аризачига қайтарилади.

Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси судга "OZODBEK-HAKIMOV" фермер хўжалигига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси



билан мурожаат қилган. Унда қайд этилишича, "OZODBEK-HAKIMOV" фермер хўжалиги ва Қозоғистоннинг "Стандарт цемент" корхонаси ўртасида тузилган импорт шартномаси бўйича 5908,30 АҚШ доллари миқдоридаги тўлов амалга оширилган. Бироқ импорт товарлар 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, "эркин муомалага чиқариш" божхона режимида расмийлаштирилмаган.

Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги қарори билан тасдиқланган "Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, "OZODBEK-HAKIMOV" фермер хўжалигига нисбатан дебитор қарздорликнинг 10 фоизи миқдорида молиявий жарима қўллаш сўралган.

Бироқ Марказий банк маълумотида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар даъво аризасида кўрсатилгани каби Қозоғистондаги эмас, балки Қирғизистондаги хорижий ҳамкор билан амалга оширилгани кўрсатилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 218-моддаси иккинчи қисми 4-5-бандларида ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризада билдирилган талабга асос бўлган ҳолатлар ва билдирилган талабнинг асосларини тасдиқловчи далиллар кўрсатилган бўлиши кераклиги белгиланган. Шу модданинг бешинчи қисмига кўра, ушбу моддада назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза ушбу кодекснинг 155-моддасида белгиланган қоидалар бўйича аризачига қайтарилиши лозим.

Шу асосда суд даъво аризасини қайтариш тўғрисида ажрим чиқарди. Даъвогарга ажримда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгач, судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда алоҳида ажралиб турадиган ҳолат шуки, судлар ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида, хусусан, жавобгарни хабардор қилиш мажбуриятини аризачининг зиммасига юклашга ҳақли.

Иқтисодий процессуал кодексининг 221-моддасига кўра, молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги иш ариза судга келиб тушганидан кейин камида бир ойдан сўнг кўрилади. Судда иш кўриб чиқилаётганда суд молиявий санкциялар суммасининг ҳисоб-китоби қанчалик тўғрилигини текширади. Бу тоифадаги иш бўйича келишув битими ёки медиатив келишув тузилишига йўл қўйилмайди.

Кўриниб турганидек, қонунчиликда молиявий таъсир чораларини қўллаш тартиби аниқ кўрсатилган. Унга қатъий риоя этиш орқали ҳар қандай низо ёки муаммони адолатли ҳал қилиш мумкин.

**Акмал ШОКИРОВ,**
*Чуст туманлараро иқтисодий суди раиси*

*Қизиқарли фактлар*

***Маълумки, дунёдаги барча халқлар янги йилни катта хурсандчилик билан қарши олади ва байрам куни қадимдан сақланиб келаётган бир-биридан ғаройиб урф-одат ва удумларга амал қилади.***

# Янги йил одатлари:

## уни ким қандай кутиб олади?



Масалан, Шотландиянинг шимолий ҳудудларида яшайдиган қадимги кельт қабиласи янги йил арафасида хонадонларидаги ўчоқнинг олови ўчиб қолмаслигига алоҳида эътибор қаратади. Бу удумнинг асоси ўша замонда гугуртнинг йўқлиги билан боғлиқ бўлса-да, аммо кельтлар янги йил кечаси хонадонларидаги олов ўчиб қолиб, қўшнидан чўғ сўраб чиқишни уят ҳисоблашган. Қолаверса, ўчоқдаги оловнинг ўчиб қолишини бу хонадондан омад юз ўгиришига ишора, деб билишган.

Японияда байрам арчаси кадомацу деб номланган дарахт ва ўсимликлар тўпламидан иборат бўлиб, у сосна, бамбук ва шоли найчаларидан иборат. Япон халқи янги йилни қўнғироқнинг 108 марта зарби билан кутиб олади ва ана ўша жарангдор зарблар одамнинг 108 та салбий иллатига барҳам беради, деган ақидага ишонади. Бонг уришдан тўхтагач, ҳамма баравар кулиши лозим. Акс ҳолда, йил давомида унинг омади юришмайди, деган тушунча японияликларнинг асосий шиорига айланган. Янги йилда хонадон эшиклари бамбук ва сосна дарахти шохлари билан безатиб қўйилади. Бу узоқ умр ва садоқат рамзини англатади.

Венгрияда бундан ҳам қизиқ одат мавжуд бўлган. Бу мамлакатда янги йилнинг биринчи кунида уйга кириб келган биринчи меҳмон аёл бўлса — омадсизлик, ўғил бола ташриф буюрса, ҳақиқий барака ҳисобланган. Шунинг учун ҳам венгерлар кимгадир, масалан, қўшниси ёки қариндошига қут-барака тилаш учун, албатта, бирор-бир баҳона билан тонг саҳарданоқ ўғилларини ўша хонадонга бирров чиқиб келишга ундаган. Ана шундан сўнг бу хонадонга аёлларнинг ташриф буюриши ҳеч қандай "хавф" солмас экан.

Италияда янги йил кечаси кўчаларда юриш тавсия этилмайди. "Эски юкдан халос бўлиш" ақидасига ишонган маҳаллий аҳоли янги йил кириб келиши билан эски буюмларини деразадан ташқарига улоқтира бошлайди. Чунки эски буюмлар олдинги дард ва кўнгилсизликларни ўзи билан бирга олиб кетар эмиш ва уларнинг ўрнида янги буюмларга, демакки, янги ниятларга жой очилиши керак экан. Шу боис янги йил кечаси италияликлардан байрамни кўтаринки руҳда кутиб олиш билан бирга ҳушёрликни ҳам унутмаслик талаб қилинади. Бу мамлакатда Баббо Натале деб номланувчи қорбобонинг қизил либоси шу қадар машҳурки, ҳатто полиция ходимлари ҳам янги йил арафасида ушбу либосда хизматда туришади.

Германияда янги йил кечаси одамлар стул ва бошқа баландроқ жойларга чиқиб туришади. Одатга кўра, соат миллари 12:00 га бонг уриши биланоқ барча қўлида танга ушлаган ҳолда ерга сакраб, шу орқали гўё янги йилга ўтиб олади. Ана шунда келаётган йил баракали ва сердаромад бўлар экан. Бахт ва янги куч тарк этмасин, деган ниятда немислар куздан буён асалда сақланаётган сабзини зўр иштиёқ билан истеъмол қилишади.

Болгарияда янги йил кириб келиши билан ҳамма хонадонларда чироқларни уч дақиқага ўчириб, одамлар бир-бирини байрам билан қутлашган.

Эквадорда байрам куни ярим тунда ёвуз руҳларни қўрқитиш мақсадида қўғирчоқлар ёқилади. Янги йил кириб келиши олдидан, яъни соат 12 марта бонг ургунча катта жомадон кўтариб, уйи атрофини айланиб югурган киши ўша йили кўп саёҳат қилади, дейишади. Бой бўлишни ният қилганлар янги йил кириб келиши билан сариқ рангдаги кийим кийишлари керак экан. Ҳаётидаги ғамгин лаҳзалардан халос бўлишни истаганлар сув тўлдирилган косани улоқтириши лозим. Коса чил-чил бўлиб синса, демак, ғам-ташвишлар ҳам парчаланиб кетади.

Вьетнамда янги йил ой тақвимига кўра, 21 январ ва 19 феврал кунлари орасида, яъни мамлакатга баҳор кириб келиши арафасида ўтказилади. Байрам куни ҳар бир хонадонда шафтоли новдаси бўлиши шарт. Вьетнамликлар ҳар бир уйда фаришта яшашига ва байрам куни фаришта уйни тарк этиб, самога йўл олиши ҳамда хонадон эгалари йилни қандай ўтказишганини худога етказишига ишонишади. Қадимдан вьетнамликлар тангри зоғора балиқда сузиб юради деб ишонишган. Шу сабаб ҳар байрамда зоғора балиқ сотиб олиб, сувга оқизиш одати сақланиб қолган.

Қисқаси, дунё халқлари орасида янги йилни кутиб олиш билан боғлиқ бундан ҳам ғаройиб урф-одатлар мавжуд. Энг муҳими, бу урф-одатларнинг замирида албатта, эзгу ниятлар мужассам.

**Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

*Жиноят ва жазо*

# Жазава қурбонлари

## ёхуд пароканда бўлган оила



◀ (Бошланиши 5-бетда)

Вазият шу қадар чигаллашадики, жазавага тушган аёл эрига пичоқ билан тан жароҳати етказишгача боради. "Дамас" ҳайдовчиси ички ишлар ва тиббиёт ходимларига хабар беради. Ушбу чақирувга биноан тез фурсатда етиб келган тиббиёт ходимлари Зоҳидни шифохонага олиб кетишади.

Орадан 5 кун ўтгач, З.Қўлдошев шифохонадан чиқади. Тушликка яқин Лазиза унга акасиникига бормоқчилигини айтади. Зоҳид автомашинасида хотинини Қўқон шаҳрида яшовчи қайноғасиникига олиб бориб қўяди. Бироқ елкасидаги жароҳати оғриётгани боис у дарҳол ортига қайтади. Уйига келгач, ўғлига беш юз минг сўм олиб, дорихонага боришини айтади.

Ўша куни кечки пайт Зоҳид онасининг тоби қочгани учун шифокорларни чақиради. Шу пайт Лазиза уйга кириб келиб, яна эски дийдиёсини бошлайди. "Тез ёрдам" ходимларининг олдида ўзини беҳурмат қилгани Зоҳиднинг жаҳлини чиқаради.

— Пул топиладиган нарсаку? Соғлиғимга арзимайдими беш юз минг? — дейди Зоҳид хунобы ошиб.

Аммо аёл эрини ҳақоратлашда давом этади. Тоқати тоқ бўлиб, сабр косаси тўлган Зоҳид болтага соп қилиш учун олиб келиб қўйган ёғоч бўлаги билан хотинининг бошига кетма-кет зарба беради. Лазиза ҳушини йўқотиб, ерга йиқилгач, ўғлининг отаси бошқа экани ҳақидаги иддаолари эсига тушиб, энди Искандарга ташланади. Шафқатсизларча урилган ёғоч зарбидан она-бола дунёдан бевақт кўз юмади.

Қотил эса, кўчага чиқиб, қўшни қишлоққа йўл олади ва ўша ердаги дўконда тун бўйи ичкиликбозлик қилади.

Зоҳидга қўшни бўлиб яшовчи опаси Сожида эрталаб профилактика инспекторига содир этилган қотиллик ҳақида хабар беради. З.Қўлдошев шу куниёқ қўлга олинади ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Яқинда ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судида кўриб чиқилди. Суд З.Қўлдошевни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "а, ж" бандлари билан айбдор деб топиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Оила — муқаддас маскан, ўзаро ҳурмат-иззат, аҳиллик ва самимият унинг таянч устунидир. Шу боис оилавий қадриятларга беписанд муносабатда бўлиш, жаҳл жазавасига тушиш нафақат оилани барбод қилади, балки оғир фожиаларни келтириб чиқаради. Юқорида баён этилган воқеа ҳам бу фикрни тўлиқ тасдиқлайди.

Айтмоқчимизки, инсоннинг бутун борлиғи акс этган оилани асраб-авайларканмиз, бу эзгу амал орқали ўзлигимизни, миллий қадриятларимизни, фарзандларимиз келажагини ҳам ҳимоя қилган бўламиз.

Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

**Элёр ҲАКИМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди судьяси*
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*журналист*

*Қилмиш-қидирмиш*

# Йўловчи ниқобидаги босқинчилар

***Даврон Абдурасулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ижарага олган "Матиз" русумли автомашинада киракашлик қилиб, рўзғор тебратиб келарди. Баъзида йўловчиларнинг инжиқликларини кўтаришга ҳам мажбур бўлади.***




Шу йилнинг 28 апрель куни у тунда автомашинасига газ ёқилғисини қуйиш мақсадида Бектемир туманида жойлашган газ қуйиш шаҳобчаси томон ҳаракатланиб кетаётганида 2 нафар йигит Қибрай туманига олиб боришни сўрайди. Даврон Абдурасулов розилик билдиради.

Улар йўлга чиқар экан, орқа ўриндиққа ўтирган йигит ўзини "Отабек", олдида ўтирган шеригини "Лазиз" дея таништиради. Аслида улар Қибрай туманида яшовчи Шаҳриёр Кимсанов ва Зоҳир Эшонов эди.

Д.Абдурасулов салдан кейин йигитларнинг ўзини тутиши ва сўзларидан кайфи баланд эканини билиб қолади. Қизиғи, улардан спиртли ичимлик ҳиди келмасди. "Психотроп модда ичишган бўлса керак" деб ўйлади Даврон. Бу унда хавотир уйғотади. Дарҳақиқат, йўловчилар тез орада жанжал бошлашди.

"Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига етганда улар машинани тўхтатишни буюришади. Шунда Ш.Кимсанов Давронга пичоқ ўқталиб, иккала олди ўриндиқ орасига ўрнатилган ҳайдовчининг қўлбола сейфини очиб, икки миллион эллик минг сўмни олиб қўяди. Сўнгра босқинчилар ҳайдовчининг ёнида бўлган бир миллион сўмни ҳам қўлга киритишади.

— Аслида сени ўлдириб, машинангни бўлаклаб сотмоқчи эдик. Ҳатто харидор ҳам топиб қўйгандик, — дейди Ш.Кимсанов Давронни қўрқитишни давом эттириб.

— Майли, пулни олинглар. Аммо ўлдирманглар, илтимос. Ҳеч кимга даъво қилмайман, — дея ялинади Д.Абдурасулов.

Мўмай пулни қўлга киритгач, босқинчилар Давронни қўйиб юборишади. Босқинчилар қўлидан соғ-саломат қутулганига шукр қилиб, уйига етиб олган жабрдийда акаси Жавлонга бўлиб ўтган воқеани сўзлаб беради. Ж.Абдурасулов дарҳол ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб, босқинчиларга нисбатан қонуний чора кўришни сўрайди. Тезкор қидирув натижасида ушбу босқинчилик жиноятини Ш.Кимсанов ва З.Эшонов содир этгани аниқланади. Табиийки, босқинчиларга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Яқинда ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Қибрай тумани судида кўриб чиқилди. Суд босқинчиларни Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Маълум бўлишича, Шодиёр Кимсанов жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2020 йил 16 мартдаги ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 166-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан 1 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган экан. Шундай бўлсада, у бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига такроран жиноят содир этган.

Енгил-елпи ҳаётга ўрганган, бу йўлда босқинчиликдек оғир жиноят содир этишдан ҳам тап тортмаган кимсаларга қонуний жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Бундан бошқалар сабоқ чиқариши зарур.

**Санжар ДЎСМАНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қибрай тумани суди раиси*

**Куч — адолатда**

*МУАССИС:*
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:*
**Шодикул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 4305
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22:00. Топширилди: 22:30.